

Бизга маълум бўлган қадимги юнон драматургларидан биринчиси юнон фожианависларининг отахони Эсхилдир. У тахминан эраимиздан аввалги 525 йилда йирик заминдор оиласида дунёга келди. Бу йиллар юнонларнинг форс итилочиларига қарши мустақиллик учун кураш олиб борган даври эди. Дастлаб юнонлар 490 йилда Марафон ёнида форс қўшинларини, 483 йилда эса Саламин ороли яқинида уларнинг ҳарбий-денгиз флотини мағлубиятга учратадилар. Ниҳоят, 479 йилда юнон-форс уруши юнонларнинг Платея яқинидаги галабаси билан тугайди. Эсхил бу жангларнинг ҳар учаласида ҳам иштирок этади.

Кейинчалик ўз мамлакатидagi мавжуд тартиблардан норози бўлган Эсхил Афинани тарк этиб, Сицилияда қарор топади ва 456 йили ўша жойда вафот этади.

Қадимги адабиётшунослар Эсхилнинг ўнлаб пьесалари борлигини зикр этсалар-да, лекин бизгача етиб келганлари еттита: «Дуогўйлар», «Форслар», «Занжирбанд Прометей», «Еттовлон Фивга қарши», «Агамемнон», «Хозфорлар», «Эменийлар». Булар орасида энг машҳури «Занжирбанд Прометей»дир. У Эсхилнинг Прометей ҳақидаги драматик трагедиясининг аввалги қисми холос, деган тахмин бор. Чунки бизга Эсхилнинг «Озод этилган Прометей» асари ҳам маълум. Лекин ундan фақат айрим парчаларгина етиб келган.

«Занжирбанд Прометей» қадимги юнон афсоналари асосида яратилган. Уларда ҳикоя қилинишича, Прометей сув ва тупроқдан дастлабки одамларни бунёд этган. Маъбуда Афина эса жонбахш нафаси билан уларга ҳаёт бағишлаган. Лекин маъбудалар ҳукмдори Зевс одамларни бутунлай йўқотиб юборишга қасд қилади: одамлардан оловни яшириб, уларни совуқда, зулматда тутати. Прометей Зевсдан оловни ўгирлаб, одамларга келтириб беради. Шундан бошлаб ерда янги ҳаёт қулоч ёзади, энди одам ўзини эркин ва қудратли ҳис этади. Прометейнинг бу «шаккоклиги»дан қаҳрланган Зевс уни қояга занжирбанд қилишни буюради. То Геракл келиб озод этмагунча занжирбанд Прометейга Зевснинг қанотли ити — жезтумшукли бургут мислсиз азоблар беради, ҳар куни унинг жигарини чўқиб, қонини ичади...

Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей»и ҳамон инсон тафаккурининг мангу дурдонаси, қадимий юнон фожианависининг гениал асари сифатида яшаб келмоқда.

Еш шоир Асқар Қосимов асарнинг фалсафий ҳамда инсоний моҳиятини ўзбек китобхонига тўла етказиб беришга интилан. Бу асарнинг ўзбекчага таржима қилиниши адабий-маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлиши шак-шубҳасиздир.

АСҚАД МУХТОР
30 январь, 1978 йил,
Тошкент

Ҳукмдорлик ва Зўрлик	— Зевснинг хоҳиш, иродасини бажарувчилар.
Гефест	— олов маъбуди, темирчи.
Прометей	— титан, маъбуд, одамларнинг ва линеъмати.
Океанидалар хори	— Океаннинг қизлари.
Океан	— титан, баҳр маъбуди.
Ио	— Аргос шоҳи Инахнинг қизи.
Гермес	— маъбуд, Зевснинг хабарчиси.

ДЕБОЧА





1-САҲНА

Ҳукмдорлик ва Зўрлик Прометейни бошлаб киради.
Уларнинг орқасидан Гефест келади.

Ҳукмдорлик

Ернинг олис ҳудудига, кимсасиз жойга;
Ваҳший скиф ёбонига мана биз келдик.
Эндиликда қиладиган вазифанг, Гефест,
Ота амрин бажо айлаб — бу бадкирдорни
Осмон қадар юксаклашган метин қояга
Занжир билан ўраб-чирмаб банди этишдир.
Сенинг порлоқ чечагингни — муқаддас ўтни
Ўғирлаб у, фонийларга армуғон қилди.
Шу гуноҳ-чун жазо бергай маъбудлар унга.
Зеро нуқул элпарварлик қилавермасдан
Зевс тахтин севмакликни ўрганиб олсин.

Гефест

Ҳукмдорлик ила Зўрлик балли сизларга!
Ўринлашиб бажардингиз Зевс ҳукмини.
Қайси юз-ла бўронга тўш тутган қояга
Банди эттум қадрдон бу маъбудни, илло
Тайсалламай ҳар нечук мен ҳал этай энди:
Ахир чиқиб бўладими ота измидан.
Фемиданинг ақли етук, олий таъб ўғли!
На сенинг-да, на менинг-да продамда бу,
Буюришди. Қип-ялангоч ваҳший қояга

Демак, сени кишанлайман мис ғуллар билан.
Ва бунда ҳеч эшитмассан кимса сасини,
Қуёш сени куйдиради жингиртоб айлаб,
Бошдан-оёқ қораясан; шамсу анварни
Епганда тун ялтираган жандаси билан
Шукур, дейсан, қайтадан кун субҳи шабнамни
Эритганда яна азоб чека бошлайсан,
Сени абгор этиб ташлар ғуссалар юки:
Чунки ҳали халоскоринг яралганча йўқ.
Шу тарзда сен қўриқлайсан элпарварликни!
Ўзинг маъбуд бўла туриб халққа ён босдинг,
Писанд қилмай маъбудларнинг қаҳру ғазабин.
Шунинг учун тизза букмай турурсан бедор,
Қояларга хўп муносиб посбон бўлурсан.
О, сен ҳали ҳуда-беҳуда арз-шиква қилиб
Нолигайсан! Вале Зевс эшитмас додинг:
Доним янги ҳукмдорлар шафқатсиз бўлур.

Ҳ у к м д о р л и к

Сен нимани кутясан қайғуриб бекор,
Маъбудларга манфур бўлган маъбудни, яъни
Ўт ўғириси — Прометейни хуш кўрасанми?!

Г е ф е с т

Буюк эрур биродарлик, кешлик қуввати.

Ҳ у к м д о р л и к

Тўғри, лекин ота амрин бажо этмаслик

Қўрқинчлироқ эмасмикин, нима дейсан-а?

Г е ф е с т

Ҳа, сен дони қаттиққўлаги ҳам тошбагирсан.

Ҳ у к м д о р л и к

Ёрдам бера олмайсан-ку, кўз ёшинг билан
Шуниинг-чун ҳам беҳудага овора бўлма!

Г е ф е с т

Ўиладиган касби-корям қандай жирканчи!

Ҳ у к м д о р л и к

Нега энди. Очнғини айтганда ахир,
Заррача ҳам айбли эмас санъатинг бунда.

Г е ф е с т

Кошки уни эдо этса бошқа бирор зот!..

Ҳ у к м д о р л и к

Оғир юмуш ила машғул барча маъбудлар,
Фағат Зевс ҳар қанақа ташвишдан холи.

Г е ф е с т

Бу тўғрида тортишмайман, ўзим биламан.

Ҳ у к м д о р л и к

Тезроқ боғла, агар кўриб қолса-чи Зевс
Қаҳрланар, негаки сен қочяпсан ишдан.

Г е ф е с т

Назар ташла: мана кишан унинг қўлига...

Ҳ у к м д о р л и к

Қўлига сол, сўнг аямай чўнг гурзинг билан
Қаттиқроқ ур, михлаб ташла яланг қояга.

Г е ф е с т

Хотиржам бўл: иш етар ўз ниҳоясига.

Ҳ у к м д о р л и к

Шафқат қилмай қаттиқроқ ур, кишанла маҳкам,
Суяги йўқ устомонлик қилишга унинг.

Г е ф е с т

Мана охир битта қўли маҳкам михланди.

Х у к м д о р л и к

Наргисини михла энди, донишмандимиз
Билиб қўйсин Зевс ундан оқилроқлигин!

Г е ф е с т

Жафокашдин бўлак менга ким қилур таъна?

Х у к м д о р л и к

Энди кўкрак андарига киритиб юбор
Ўткир тишли темир михни жадаллик билан.

Г е ф е с т

О, Прометей, қон йиғлайман ҳолингни кўриб!

Х у к м д о р л и к

Ёхуд Зевс ёвларига ачирми дилинг?!
Ўзинг учун тагин кўз ёш тўкиб юрмагин!

Г е ф е с т

Ахир чидаб бўладими бундай қийноққа!

Х у к м д о р л и к

Баттар бўлсин: хизматига яраша жазо!
Қобиргага қаттиқ зичла темир тасмани.

Г е ф е с т

Кўп ўргатма! Не қилишни ўзим биламан.

Ҳ у к м д о р л и к

Йўқ, қатъиян буюраман, талаб қиламан:
Пастга туш-да, оёғини халқага кирит.

Г е ф е с т

Не ҳам дердим, мана битди: енгил кўчди иш.

Ҳ у к м д о р л и к

Энди оёқ-қўлларини гурзила, ҳали
Қаҳқор ҳакам қаршисида ҳисоб берурсан.

Г е ф е с т

Товушинг ҳам келбатингдай совуқ, бешуур.

Ҳ у к м д о р л и к

Илло меинг гуруримни, кескин жаҳлимни
Қоралашга уринмагин, мулойимроқ бўл!

Г е ф е с т

Кетдик: темир тўрла чандиб тапланди.

Ҳ у к м д о р л и к

Эндиликда ботиниб кўр, муқаддас ўтни
Маъбудлардан ўғирлашга, қани кўрамин
Сени халос этарминки дарддан одамлар,
Йўқ, Прометей сени оқил, донишманд эмас,
Бир норасо, дейишади. Ҳали сургундан
Чиқмоқ учун ўзинг муҳтож бўлиб қолсан
Аллақандай ақли ўткир бир Прометейга!

Ҳ у к м д о р л и к, Ў ў р л и к ва Гефест чиқади.

2- САҲНА

П р о м е т е й

Эй, сиз арши аълонинг бор-йўқ карими,
Учқур қанот шабодаю ложувард наҳр
Ила денгиз долгасининг қаҳқаҳалари
Она-Еру чор атрофни ёритган офтоб
Ҳаммангиз ҳам шоҳид бўлинг: қаранг шу тарзда
Маъбудлардан зулм кўргум маъбуд эсам-да,
Назар солинг, уқубатли ҳаётга умрим
Шундай маҳкум этилмоқда мирнад йиллар!
Юксак завқли маъбудларнинг янги тождори
Шармандали кишанларга чирмади мени.
Дариғоким, шу офату келажакдаги
Фалокатлар тўғрисида наъра тортаман!

Интиҳосиз азобларга ниҳоя борми?
Нималар деб вайсаяпман? Ахир ўзим ҳам
Олдинданоқ кўргандим-ку бор келажакни.
Йўқ эди-ку, менга тийра бўлган ҳодисот!
Кечиришим керак энди тақдирни ўнғай;
Зинҳор устун келиб бўлмас заруриятдан,
Лекин оғир истиқболим ҳақида сўзлаш.
Сўзламаслик ундан мушкул. Мен манглайи шўр
Азобдаман фонийларга қилган хайрим-чун:
Қоқ қампишнинг ковагига жо айладим мен,
Яширинча ўғирлабон илоҳий ўтни.
Одамларинг барча касбу корларига ҳам
Сарвари ўт бўла олди каттакон мадад...
Жазога дош беражакман шу журм учун
Очиқ осмон тагида мен қоябанд бўлиб...
О! О! О!

Қандай шовқин, қандай садо, қандай овоза?!
Кўз илғамас маъбудмикин ва ё қаҳрамон,
Бирор фоний келганмикин олис қояга
Тортаётган азобимга разм солиш-чун?
Боқсангиз-чи, кишанланган маъбудга — менга,
Тождор Зевс душманига ва аршдаги бор—
Маъбудларнинг ҳаммасига ёв бўлиб қолган—
Одамларнинг оламжаҳон меҳрибонига!
Хайҳот! Қандай гўлув экан шу яқиндаги
Паррандалар шарпасими? Кўк ҳам жарангла!
Қанотларнинг шиддатли зарб ҳаволаридан,—
Неки ёвуз келмасин, у даҳшатдир менга.

Океанидалар ҳори учар аробада пайдо бўлади.

ПАРОД¹

Х о р

1-БАНД

Пўқ, чўчима!..
Дўстона
Само ичра жаранглатиб болу парни,
Шу қояга ошиқиб келдик.
Кекса ота қалбини аранг
Юмшатоқдик илтижо айлаб!
Сурон билан кузатди бизни еллар!
Бизга қадар — сув ости ғор тубига
Етиб борди кишан жаранги..
Эшитдим у тамом унутдим;
Ваҳимани, муқаддас орни,
Сўнгра учар аробада
Сен томонга ошиқдим.
Кийиншга улгурмай шиппакни!

Прометей

Ҳайҳот! Ҳайҳот!
Уркач-ўркач тўлқинларни талотум қилган,
Жумла ерни бедор оқим-ла ювган
Океан ва Тетфиянинг шўх фарзандлари!
Назар ташланг, қиё боқинг, жонажонларим,
Темир занжирларда шундоқ
Қояга осилиб шу дара узра
Ўтаяпман манфур хизматни.

Х о р

1-АКСИЛБАНД

О, Прометей
Даҳшат тўла тун
Кўзларимга бостириб кирди,
Кўз ёшимни оқизиб ногоҳ!..
Кўряпман, қояда осилиб
Қовжираяпсан, бу шармисор,
Маҳв этгувчи кишанларга тутқин бўлиб!
Олимпвор бир тузум ила
Даврон сураб янги тождорлар.
Янги-янги фармонлар бериб,
Маъбудларни ўз билгича бошқарар Зевс.
Ва Аиднинг зулмат қаърига
Девқоматли Гигантларни ҳам
Қодир эрур яргитмоққа ул!

П р о м е т е й

О, борди-ю, ер остига, Аид остига,
Уликларнинг ошиёни — тубсиз Тартарга
Меши қаттол кишанларга ўраб-чирмаб
Улоқтирса ул,
На фонийлар, на маъбудлар азобларимга
Томошабин бўлмас эди!
Энди эса бебахтман мен, ўйинчоқман елларга
Мен азобда, душманларим эса шод-ҳуррам.

Х о р

2-БАНД

Қайси шафқатсиз маъбуд
Ундан кулган бўларди бунда...
Сенинг бемисл азобларингга
Ким ачинмас уран наслини
Зарра шафқат қилмайин
Қираётган Зевсдан ўзга.
Бир кун келиб жасур қасоскор
Бундай юҳо, золимдан
Тортиб олгай бор-йўқ ҳуқуқни.

Прометей

Майли, таним занжирлардан минг бўлак бўлсин,
Қийналсам-да, кишанларга осилган кўйи
Умрбоқий завқиб маъбудлар шоҳига
Ундан тахт-тож қандай тортиб олинажаги;
Янги фитна хусусида лом-мим демайман.
Йўқ, айтмайман! Тотли сўзлар юмшатмайди
Менинг қалбимни.
Қўрқитмоқлик илинжида таҳдид солса ҳам,
Зевсга хавф соладиган сирни очмайман;
То мени қаттол кишандан халос қилмагунча
Ва ушбу шармандалик учун
Жазо тортишни ўзи хоҳламагунча.

Х о р

2-АКСИЛБАНД


Дилинг билан мардонасан, ҳеч
Ён бермайсан шафқатсиз балоларга,
Вале ҳаддан ортиқ ҳурфиерсан!..
Яралади қалбимни ўткир ваҳшат:
Уйлантирар менн қисматинг!
Қўрқаман, азобнинг чўнг денгизидан
Сузиб ўтолмассан абадулабад.
Ахир, жуда қаттиқ Зевсда хусумат,
Боз устига ҳукми ҳам қатъий!

П р о м е т е й

Биламанки, Зевс ўзи қаттиққўл, унга
Истибдоди хизмат қилар адолат бўлиб,
Вақт келар аммо:
Тақдир зарби билан мулойимлашар,
Ғазабини ичга ютар, паштидан тушар.
Биродарлик иттифоқин мен-ла тузиш-чун
Зевспинг ўзи ҳузуримга ошиқиб келар.

БИРИНЧИ МАНЗАРА





I- САҲНА

Х о р

Зевс сендан қандай айб-жиноят топган,
Сўзлаб бергин барчасини бир бошдан бизга :
Нега сени азоблайди, ҳикоят айла,
Агар сенга гапирмоқлик оғир бўлмаса.

Прометей

Ҳа, бу ҳақда гапирмоқлик оғирдир менга,
Аммо оғиз очмаслик ҳам енгилмас, найлай!
Чулгаганда кин-адоват боқийлар зотин
Ловиллади улар ичра хуруж, вовайло;
Айримлари Крон тахтдан йиқилиб, Зевс
Тождор бўлсин, дерди, баъзи бировлар эса
Зевс шоҳ бўлишга норизо эди: —
Уша чоғда еру кўкнинг ўғиллариким
Титанларга хўп маслаҳат бердим, аммоки,
Ивонтириб бўлмади ҳеч. Ҳокимиятни
Зўрлик билан олиш учун тиришди улар,
Айёрликни лозим топмай, уни менсимай.
Олдинданоқ айтган эди лекин волидам,
Ер — Фемида (илоҳия онайизорнинг
Кўп номи бор): — жанг-жадалда устун келмоқлик
Кучга эмас, балки фақат тадбирга боғлиқ.
Шу тўғрида қўйганимда огоҳлантириб,

Илтифотсиз қараш ила чеклапди улар.
Шунинг учун онам билан тил бириктириб,
Жанг олдидаи ўтиб кетдим Зевс томонга.
Тартар менинг маслаҳатим, йўригим ила
Жаҳаннамда сақлар қариб қолган Кронни
Ҳамда унинг сафдошларин. Мана шунақа,
Мадад учун маъбудларнинг қаҳҳор тождори
Ваҳимали жазо билан сийлаб турибди.
Содиқ дўстга ишонмовчи кўз билан қараш,
Ахир, барча маъбудларга теккан касал-ку!
Сизларнинг бу саволингиз ўринли жуда;
Не сабабдан қийнашга айтайин жавоб:
Тахтга чиқиб олгандан сўнг валиаҳд, филҳол
Лавозиму мол-дунёни бор маъбудларга
Бўлиб берди. Бахти қаро фонийларнинг у
Бирин икки қилмади ҳам, аксинча барин
Қириб ташлаб янгисини яратмоқ бўлди!
Ҳеч ким ғариб фонийларнинг ёнин олмади,
Биргина мен журъат қилиб майдонга чиқдим.
Жаҳаннамнинг зулматидан халос айладим,
Била туриб вазиятнинг қалтислигини,
Ўзимни мен ўтга урдим, мардона бўлдим.
Одамзодни халос этдим Зевс қаҳридан,
Йўқса золим йўллар эди барин Аидга,
Жаҳаннамда қилмоқ учун уларни нобуд.
Шу йўсинда маҳв бўларди халқ биратўла.
Кўриб қўйинг шу яхшилик эвазин энди
Фонийларга раҳм айлаб, дарвоқе ўзим
Шафқатга ҳам арзимаيمان. Бераҳмларча
Маъбудларнинг шоҳи мендан қасосин олди.
Азобларим шармандалик келтирар унга!

Х о р

Ҳа, дардингни бўлишмоққа темир юракли,
Е бўлмаса ҳарсанг бўлиш лозим, Прометей!
Бизга қолса кўрмай деймиз қийналишингни,
Негаки, қалб тарс ёрилиб кетади шаксиз,
Дош беролмас, дош беролмас бу ҳолни кўриб.

Прометей

Менга боқиб душманлар ҳам ачинар ҳатто.

Х о р

Лйтганингдан ортиқ ғавго қилмадингми-а?

Прометей

Фонийларга бахш этмадим олддан кўришни.

Х о р

Қандай дори билан шифо бердинг уларга,

Прометей

Бахш айладим ~~кўзи оғриқ~~ кўрларга умид.

Х о р

Бу билан сен каттагина фойда келтирдинг.

Прометей

Кейин бахтсиз фонийларга оташ-ўт бердим.

Хор

Нима дединг, оташ? Фоний одамларга-я?

Прометей

Ўт ўргатар уларни кўп санъатларга ҳам!

Хор

Мустабид ҳам шунинг учун айблаб сени...

Прометей

На ором бор ва на тин бор, азоблаётир.

Хор

Азобларнинг пиҳояси кўрасанми ҳеч?

Прометей

Иўқ, биргина золим Зевс лозим деб топса.

Хор

Қачон лозим топаркин у, умидинг борми?

Наҳот гуноҳ қилганингни ўзинг билмасанг,
Лек гуноҳинг тўғрисида бир нима демоқ
Бизлар учун жуда қийин: бу хусусда бас,
Яхшиси сен чора топиб азобдан қутил!

Прометей

Кимки дардсиз бўлса, унга осондир бешак
Насиҳату далда бермоқ бахти қарога!
Бироқ бунинг ҳаммасини билардим-ку мен,
Тушунаман ҳаммасини, инкор этмайман:
Осий бўлдим, фонийларга марҳамат айлаб
Ўзим учун чоҳ қазидим, билардим, аммо,
Бу хилдаги азобларни ўйламовдим ҳеч.
Мен қояга парчиланиб қовжирашимни
Сира-сира хаёлимга келтирмагандим.
Лекин сизлар йиғламангиз менинг ҳолимга,
Ерга тушинг, келажакда мени нималар
Кутишини бошдан-оёқ билай, десангиз.
Сўзларимга қулоқ берингиз!
Кимки ҳозир чекаётган бўлса азият,
Сизлар унга ҳамдард бўлинг, жафокаш бўлинг.
Бир кун ахир сизларга ҳам келар бу бало!

Хор

Даъват этиб чорлагувчи наърангга
Прометей учиб борамиз! Аробадан
Тушиб оёқ учида
Тарк айлабон арши аълони
Сен томонга қанот боғлаб учарман,

2

Хилватдаги бу тоғларга тушарман.
Азобларинг ҳақида
Эшитишни хоҳлайман жуда.

Учар отда О к е а н пайдо бўлади.

2- САҲНА

О к е а н

Жуда олис йўлни босиб келдим ниҳоят,
Ҳузурингга, Прометей!
Бир мақсад-ла иккиланмасдан
Равон этдим парвоз сари қанотли қушни!
Ва билгилки, азобингга дардкаш маъбудман!
Зеро буни қариндошлик этур тақозо.
Ҳа, айтмоқчи, ~~хашакдан~~ бўлак
Яқинларинг орасида йўқ сенга мендек
Ғамхўр бир мунис.
Бу рўйирост эканлигин кейин биласан.
Хўш кўрмайман баладдиарвоз, ночин сўзларни.
Қандай қилиб ёрдам берай, буюр менга бот?!
Кунлар ўтар, бу дунёда Океандан зиёд
Содикроқ дўст йўқлигини билиб қолурсан.

Прометей

Ва ниҳоят сен ҳам келдинг бу нима демак,
Азобимга томошабин бўлганими ё,
Сенга номдош бўлган оқим — улуг Океан

Ҳам қоявор гор қаърининг илк боргоҳини
Тарк айлабон темир-маъдан иқлими сари
Келмоқликка қандай журъат қила олдинг, а?
Лолмисан ё ёзмишимга назар қилсанг-чи,
Бир пайт Зевс дўсти бўлиб, унга тожу тахт
Олиб бериб энди ундан азоб кўряпман!

О к е а н

Кўраяпман, ўзинг доно бўлсанг ҳамки,
Бермоқчиман икки оғиз ўғит Прометей!
Ўзингни бил, жон борица хулқингни тузат.
Маъбудларни бошқармоқда янги шоҳ ахир.
Бундан кейин заҳаролуд гап-сўзларингни
Йиғиштир-да, мулойим бўл, қайсарлик қилма,
У аршда ҳам гап-сўзларни эшитар, билсанг!
Ишон менга, илгариги азобларинг ҳам
Шак-шубҳасиз туюлади ўйинчоқ бўлиб.
Ғазабланма, бадбахт, бас қил, балодан чиқиш
Йўлларини ахтар. Балки ўғит-насихатларим
Сенга маъқул бўлмагандир? Вале ўзингга
Аёп эрур баландпарвоз сўзлар ҳикмати.
Ҳанузгача қўймаяпсан саркашлигингни,
Била туриб ўзингга сен ортirma бало!
Шундай қилиб маслаҳатим бўйича энди
Илол-абад мушт урмагин қилнч тигига.
Шоҳ — қаттиққўл, унинг хоҳиш-истакларини
Муҳокама қилиб бўлмас; ҳисоб бермайди.
Икон бўлса ушбу азоб-уқубатлардан
Сени халос этажакман. Мен борай энди.
Такрор айтай мўминроқ бўл, ҳам тилингни тий.

Ақлинг теран: бўлар-бўлмас сўз учун жазо
Олганингни ҳалигача наҳот билмасанг?

Прометей

Балли сенга! Жонкуярим ўзинг экансан.
Айбсизсан ўз виждонинг олдида энди.
Бўлди, етар, менинг учун ташвиш чекмай қўй:
Қурбинг етмас шоҳ Зевсни инонтиришга.
Ўйлаб қара, мардона бу сафаринг билан
Дарду бало ордирмагин ўзингга тағин.

Океан

Уқувинг зўр; сўз биланмас, қилмишинг билан
Бошқаларни кўзин очиб оқил этмоқни
Исботладинг. Ҳалал берма олис сафарга
Отланмоққа. Қатъин мен инонамани,
Зевс мента озодлигинг айлағай тақдим;
Азоблардан буткул фориг бўлишинг аниқ.

Прометей

Баракалла, ҳамду сано айтаман сенга:
Шижоатинг чакки эмас. Аммо овора бўлма:
Менинг учун ниманики таманно этма,
Бари бир ҳеч фойдаси йўқ, меҳнатинг бекор,
Кераги йўқ, бир чеккада туравер беғам:
Менга сенга бўлган қашим, сендан дўстларинг
Дарду ташвиш чекишига бонс бўлмасин.

Йўқ, шусиз ҳам биродарим ~~Атлаит~~ қисмати
 Юрагимга ҳаддан зиёд қайғу соладир,
 У магрибда ҳудуд узра турар;
 Мөлий осмон гумбазига елкасин тираб!

Ғам остида яшар ҳануз Килик горнда,
 Ушанга ҳам ачинаман юрагим билан.
 У-чи, жумла маъбудларга қарши қўзғалиб:
 Юз минг туман қайбат билан айқирганича
 Таҳликалар солган эди Зевс тахтига;
 Кўзларида чақнар эди Горгон шиддати
 Лек Зевснинг ловиллаган ўқи — чақмоғи
 Такаббурни бир ҳамлада йиқитди-қўйди.
 Таслим бўлди ўша заҳот бечора Тифон,
 Ундаги бор азму кучни йўқ қилди чақин.
 Уша-уша дармони йўқ, куюк лошини
 У Этнанинг заминига узалатганди,
 Тор бўғоздап унчалик ҳам олисда эмас,
 Кўкрагини эзиб ётар тоғлар, тош узра
 Ўлтирганча тоблар Гефест ўз темирини.
 Аммо қора бўшлиқлардан дам-бадам чиқар
 Самарадор Сицилия водийларини
 Ялаб-юлқаб турадиган олов оқими.
 Ғазабкарда, оташнафас Тифон тушмагур—
 Туриб-туриб ёдга чушса чеккан алами
 Ҳар нарсани ғарқ айлар у ўт селоби-ла,
 Чақинлардан чала кўмир бўлиб қолса ҳам.
 Зарурият йўқ сенга менинг сабоқларимдан:
 Ҳаммасига ўзинг шоҳид. Жонингга асра!
 Токи Зевс ўз жаҳлидан тушмагунича
 Ёзмишимни кечираман охиригача.

О к е а н

Ё Прометей, билмайсанми қаҳру итобга
Тадбирли ўй дору дармон бўлишлигини.

П р о м е т е й

Рост, агарда ўз вақтида юмшатилса дил,
Қаҳру ғазаб шиддатини ҳаддан оширмай.

О к е а н

Қани айт-чи, менинг азму шижоатимда
Қандай хавфу хатарларни илғаётирсан?

П р о м е т е й

Бемаъниликни, қолаверса бекорчи ишни.

О к е а н

Ижозат бер шу касаллик билан огришга;
Фойда эрур баъзан ўзни гулликка солмоқ.

П р о м е т е й

Сенинг саҳв-хатоингви мендан кўрурлар.

О к е а н

Қасрим сари кетишимни истайсанми ё?

П р о м е т е й

Ўзингга ёв орттирмагин надомат билан...

О к е а н

Ёки шаъма қиялсанми олампаҳоғга...

П р о м е т е й

Ҳайиқ, унинг газабили келтира кўрма!

О к е а н

Сенинг бахти қаролигинг — мен учун сабоқ.

П р о м е т е й

Қани жўма, ақлингни ҳам шу тарзда сақла!

О к е а н

Шундоғам мен отланияпман мана йўлга ҳам,
Тўрт оёқли учағоним парвозга махтал.

**Фазонинг кенг йўллариға қанотин урар:
У шодумон таблада дам олмоқлиғидан.**

О к е а н учиб кетади. . .

1- СТАСИМ²

Х о р

1-БАНД

**Сенинг аччиқ тақдиринг
Йиғлатади мени, Прометей!
Дарё каби ёш оқар сокин,
Қуйилар ёрқин, нафис кўздан, ҳей!
Ёноқларни ювмоқда тагин...
Зевс-ку, Олимпга бирубор,
Янги қонун ила бошқарар,
Собиқ маъбудларига мансаб бериб,
Қўрқитар кибрли найзаси билан!..**

1-АКСИЛБАНД

**Оҳу фарёд тутди заминни!
Гоҳ бурунги шавкатинг учун,
Гоҳ эўр Титан оғаларингга
Ачинишиб чунон йиғлашур!
Ажнабий юрт, асрлар оша**

Яшаб келган элатлар ватани—
Осиё—инграр!
О, Прометей уқубатингга
Ер-кўк йнглар, бари қайгудош!

2-БАНД

Ачинмакда сенга ҳатто
Шер юракли амазонкалар;
Меотида кўрфазининг чеккасида
Асрлар оша яшаб келган
Скиф қавми—
Жангарилар ҳам.

2-АКСИЛБАНД

Орий ранг эронийлар
Ҳам Кавказнинг тоғ аҳли ҳатто
Ғазот талаб бўлиб бирам
Сон-саноқсиз найзаларин
Ўқталишар жаранглатиб!

3-БАНД


Билар эдим биргина ўзим олдин
Балога учраган маъбудни:
У Атлант эди...
Тобакай у фалак гумбазин
Кўтариб турар!

ЭПОД

Қояларга урилиб асов тўлқинлар
Парчаланар, бўғиқ шовиллар!
Инграйди гирдоб!
Мусаффо наҳр долғалари зорланар!..
Қора Анд
Ўлгудай нолир қоронғи зимистонда
Бари, бари о, Прометей,
Сени дея чекишади дарду алам!

✓

ИККИНЧИ МАНЗАРА





Прометей

Жим турмоққа мағрурлиги мажбур этар, деб
Ўйламайлар. Илло дилдан азобланаман
Ўзим ушбу шармисорлик таманносидан,
Барча янги маъбудларга мансаб берилди.
Менга ато этилгани шармандаликим?
Булар бари сизга аён, бу тўғрида бас,
Фонийларнинг азобидан гап очган маъқул.
Ахир мен-ку, онгсизларга идрок бахш этиб,
Мулоҳаза юритмоқда ўргатган маъбуд,
Буни миннат юзасидан гапирмаяпман.
Вале барча эзгулитим моҳиятини
Тушунтириб берай, дейман, бир бошдан спзга.
Авваллари одамларнинг кўзи бўлса ҳам
Кўрмас эди, қулоқ бору эшитмас эди.
Кун кечарди аллақандай ғафлат ҳобида :
Билишмасди нажжорликни, ғиштин уйларни
Қуришмасди, заҳ ғорларда нурсиз ҳилватда
Қумурсқадек ожизона кун кўришарди.
Фаслларни фарқ қилолмай довдирашарди,
На баҳорни, ва на қишни, ва нада ёзни.
Ва на неъмат улашгучи кузни ўшанда.
Билиб нетмай ҳар нарсага уришарди қўл,
Мен бўлсам-чи, кўрсатмоққа муяссар бўлдим;
Уларга кўк юлдузларин чиқиш-ботишин.
Илк бор ўзим алжабрдан, наҳв илмидан
Сабоқ бердим ва ижодий Хотиротни ҳам
Бахш айладим, бахш этгандек она Музани.
Ҳам даставвал ишлаб чиқдим бўйинтуруқни,
Шу боисдан ювош тортди ваҳший ҳайвонлар.

Жисман мушкул бўлган меҳнат, одамлар учун
Енгил бўлди. Аробага отларни қўшдим,
Итоаткор жилов бердим зодагонларга.
Мендан бўлак денгиз аро илдам елувчи
Учқур қанот кемаларни ўйлаб тошган ким?
Ҳа, ҳаммаси кашф этилди фонийлар учун,
Аммо ўзим тополмадим дардимга чора!

Х о р

Шармандали уқубатлар боис бўлди-ю,
Сен бурунги ақлингни ҳам бой бериб қўйдинг.
Хаста бўлиб қолганида уқувсиз табиб
Ўзи учун дорй-дармон тополмагандек.

П р о м е т е й

Тагин менга қулоқ тутгин, азмим туфайли
Яратилган иктиролар ҳайратангиздир.
Сўйлаб берай сенга жуда муҳимларини:
Менга қадар билишмасди малҳам дорини,
Керагича емай-ичмай шу тақлид улар
Қирилишиб кетишарди тиб ёрдамисиз.
Мен ўргатдим дорилардан фойдаланишни,
Шундан кейин барҳам топди барча касаллик.
Тез орада фолбинликнинг йўлларини тикладим:
Таъбир қилдим тушларни ҳам пайғамбарона —
Нима ёлгон, нимадир ҳақ кўрсатиб бердим.
Ифшо қилдим кароматли сўзлар мазмунини,
Йўл белгисин, паррандалар парвозини ҳам,
Қандай акбор беришларин бахтдан, офатдан,

Уларнинг-да яшаш тарзин, ишқ ва низосин,
Зиён-заҳмат чекканларнинг ички асрорин,
Жигар ила сафронинг-да хили, рангини
Қурбонликка қайся бири хуш келишин ҳам,
Қурбонликка ҳозирланган қайвоп сонини
Куйдирганча, оловнинг кўп хосиятларин
Кўз-кўз этиб, одамларни ҳайратга солдим.
Зеро, аввал ҳеч бир кимса кўрмаган эди.
Бинобарин... Ким айтишга журъат этади,
Менга қадар ер остида яширин ётган
Темир, олтин, кумушларни, рангин мисларни
Одамларнинг фойдасига етказганимни,
У кимдирки мағрурлансин, албатта, ҳеч ким,
Очигини айтсам агар билиб қўйгинки,
Прометейдан ўтган халққа барча санъатлар!

Х о р

Фонийларга мадад бериб ҳаддан ташқари
Бахтсизликда қолдирмагин бу хилда ўзни,
Илло имон комилдирки, бандинг ечилгай,
Зевс янглиғ бўлажаксан пурқудрат тағин.

Прометей

Бўлмаган гап, олимақом илоҳий тақдир
Шунга ўхшаш ҳодисани ҳал қилгани йўқ.
Вале ҳозир азобларга мубталодирман,
Кишанлардан қутилсам ҳам ожизлик қилур
Доим санъат зарурият оstonасида...

Х о р

Ким томондан бошқарилур тақдири азал?

Прометей

Уч Мойра ва Эриннилар.
Ушаларга аён бор нарса.

Х о р

Наҳотки Зевс улардан ожиз...

Прометей

Кўради у пешанага ёзилганини.

Х о р

Наҳот Зевс ҳукмронлик қилмагай мангу?

Прометей

Бунн била олмагайсан, уринма бекор!

Х о р

Чамамда сен сақлаяпсан буюк бир сирни.

Прометей

Етар энди, бошқа гапга ўтақолайлик!

Бу тўғрида гапирмайман; мавруди эмас.
Сир яширин сақлансин-да, агарда уни
Сақлай билсам уқубату кишанлардан ҳам
Бир қун келиб тамомила фориғ бўлурмен.

2- СТАСИМ

Х о р

1-БАНД

Бука олмас иродамини
Зевсиниг-да, тахту қудрати!
Уларни деб буқа сонини
Меҳроб сари йўллайман тагин.
Олиб кетгай уни уйқусиз,
Мовий уммон оқими илдам!
Майли бошқа ёронлар билан
Базми олий қурмай қўяйин!
Сақланади бу сир тоабад
Менинг жону жаҳонимда!

АКСИЛБАНД

Умидга кўз тутиб саркашлик ила
Давру даврон сурсам
Нечоғлик яхши,
Кўнгилга жо айлаб порлоқ сурурни!
Аммо титроқ бозар кўрган сари
Мишг хил гамда қийналишингни!

Ҳайиқмайсан ёлғиз сен қаҳқор Зевсдан
Такаббурлик қилиб дозир ҳам,
Сенга азиз бўлган умри бебақо
Одамларни кўтарасан кўкларга, о Прометей!..

2-БАНД

Мунисим, инон, меҳр кўп кўргузиб,
Топмассан меҳр: ўзинг ўйлаб кўр.
Қани сени ҳимоя этганлари?..
Бошингга мусибат тушгани кезда
Кўриндими уларнинг бири?
Ожизлик занжири билан
Фонпйларнинг оёқ-қўли боғланмагани?
Йўқ, уларнинг қўлидан келмас
Дунёни қайта қурмоқ!

2-АКСИЛБАНД

Пешонангни шўрлигини англаганимдан
Буни сенга гапиряпман, Прометей! Э воҳ,
Тўй олдидан бундай қўшиқ куйламагандим,
Бизлар ювиб-тараб гулдай келинни
Қўшиқ айтиб рўпарангга дохил қилгандик.
Унга ўзинг туҳфа бериб, кўнглини олиб,
Гесиона отлиқ келин — бизнинг синглимиз —
Баҳру наҳр малагининг куёви бўлдинг.
Ўша кунлар нақадар завқиб эди.

И о чопиб киради, манглайида сигир шохи бор.





МОНОДИЯ'

И о

Қандай диёр, қанақа халқ, қандай эркак бу
Қуюқ, гирдибод ичра турар қояга
Банди бўлиб? У қанақа гуноҳи учун
Жазо олган? Шўрим қурсин қаерга келдим
Сандирақлай-сандирақлай, айт менга,
А!.. А!..

Ўз забтига олди тагин жиннилик.
Замин ато этган ~~қўлон~~ ~~Аргосвинг~~ арвоҳи
Эргашмоқда кетимдан ҳануз.
У кўп кўзди. Қувла уни она-Ер!
Чақнатди у тийри паррон кўзларини!
Ул марҳумга оз бўлса-да, тинчлик йўқ:
Жаҳаннамдан, чиқиб совуқ қабрдан
Мен шўрликни нуқул таъқиб этади,
Яъдоқ, серқум, соҳил сари
Ҳайдар мени тиинимсиз
Иш урганча баданимга.

Б а н д

Қулогимга чалинар қамиш най саси...
Таниш туш янглиғ етакловчи оҳангга эга.
Тилка-пора қилар қалбимни! Ҳолим табоҳдир!
О, қаерга улоқиб келиб қолдим
Сарсонликда дайдиб-дайдиб оқибат,
Шўрим қурсин, қандай оғир гуноҳим учун

Зевс мени минг азобга гирифтор этди.
Нега ваҳимали арвоҳ билан қўрқитиб,
Ҳолин хароб қиласан хушсиз бир қизни?..
Ўтда ёндир, сувга чўкдир, ерга кўм,
Ё бўлмаса махлуқларнинг домига ташла!
Ёки менинг таваллоиймни
Халлоқни олам, тингламайсанми?
Жаҳон бўйлаб сандирақлаш жонимга тегди.
Кўрмаяпман мутлоқ
Балолардан чиқиш йўлини.
Эшит дардин манглайида шоҳи бор қизнинг!

Прометей

Эшитмасдан бўладими сўна туфайли
Балотардон бўлган Инахнинг шўрлик қизин,
Ишқинг билан шайдо қилдинг Зевс қалбини.
Унинг ёри — Гера рашк ўтида қоврилиб
Дучор этди сени сон-саноқсиз азобларга.

Аксилбанд

Қасқдавам била қолдинг отам ҳақинда.
Гапира қол, дарди афзун, кимсан, сен ўзи,
Азоблардан чорасиз қолган иложсизга
Айтмайсанми бор гапини тўғри?
Ҳа, сен тўғри топдинг илоҳий хасталигимни,
Худди ўша юрагимни ўртар, гўёки
Қамчи билан бутун курра бўйлаб
Аҳмоқона шаталоқ оттириб яланг,
Қувдирар қаҳқора Гера.

Бу ерга мен ошиқиб келдим. Қани ким,
Одам зоти ичра кучлироқ азоб чекар.
Илло қаромат қил аниқ,
Келгусида тагин нелар хавф солур
Мен шўрликка айт,
Дардимга дармондан гапир,
Мабодо билсанг фақат.
Айт! Дайди қизга жавоб бер!

Прометей

Рўпарангда ўт бахш этган Прометей турар,
Сен нимани тилар бўлсанг шуни сўйлайман;
Оддий суҳбат қурган каби дўст-дўсти билан,
Гапларимда жумбоқ бўлмас: бари бўлгай жўн.

И о

Бадбахт маъбуд, эй, фонийлар валинеъмати,
Нечун азоб чекяпсан, гапир, Прометей?

Прометей

Ҳозиргина азобларимнинг шарҳин
Баён этган эдим.

И о

Илтифотинг дариг тутма, сендан сўрайман!

Прометей

Қай бирини гапирайин? Хоҳлаганинг айт!

Ио

Айт-чи, сени ким қояга занжирбанд этди?

Прометей

Гефест дасти билан ўша Зевс ҳукмрон.

Ио

Шундай қолга тушдинг қайси жиноят учун?

Прометей

Бор гапларни сўйлаб бўлдим бас ,етар энди!

Ио

Мен шўрликка яна бир бор гапириб бергин:
Қачонгача сандирақлаб юраман ахир?!

Прометей

Бу тўғрида билмаганинг маъқул, ҳар қалай,

Ио

Мени хавфга соладиган дардин яширма!

Прометей

Хўп бўлмаса! Айтсам, айта қолай сенга.

Ио

Нима учун имиллайсан, гапир бўлмаса?

Прометей

Чўчияпман, бўлади деб, қалбимг безовта.

Ио

Ўтинаман, ташвиш тортма ортиқ мен учун.

Прометей

Гар истасанг гапираман. Эшит бўлмаса!

Хор

Йўқ, шошма! Менга ҳам оароқ шавқу завқ қолдир!
Авваламбор унинг мунгли ҳикоясини
Эштайлик. Ундан кейин бошқа нарсалар
Тўғрисида билганингни ошкор қиларсан.

Прометей

Сенинг бурчинг, Ио, булар билан эш бўлмоқ,
Улар ахир бўладилар Инахга сингил.

Боз устига дардкаш бўлиб кўз ёш тўкувчи
Гулрўйларга ҳасратингнинг бир бўлагини
Айтиб, кўнгиш ёзсанг ўзингга фойда.

И о

Рад этмоқлик қийин менга сўровингизни,
Нимаки қизиқтирган бўлса сизларни,—
Йиғласам-да, бошдан-оёқ сўзлаб бераман.
Гап боради арши аъло илоҳияси
Гул чиройим хазон этган сирлар ҳақида.
Кечалари тушларимда ҳар гал, ҳамиша
Бир руҳ қизлик ётоғимга сирганиб кириб
Шаҳду шакар сўзлар айтиб, шивирлар эди:
«О, бахтли қиз! Қизлигингни узоқ асраб сен
На қилгайсан? Зўр никоҳдан ўтишинг мумкин.
Ахир Зевс таманноси аланга олган,
У сен билан боғламоқчи севги риштасин.
О, қизалоқ рад қилмагил Зевс хоҳишин,
Нозу фироқ айламасдан ётоғига кир,
Сенга мустар дабдабали Лерна ўтлоғи,
Қиблагоҳлар маскан тутган яйловларга бор,
Зевс хирсин, таманносин қондирмоқ учун».
Шу хилдаги тушлар билан тун бўйи нолон
Алаҳсираб, тўлганардим мен шўрлик минг бор,
То отамга айтмагунча тунги тушларни.
Ушанда у йўллаганди талай элчини
Дельфага ҳам Додонага.
Ки маъбудларнинг
Дилларини ниёз билан овлаш пайида.

Дек элчилар келтирдилар мужмал пайгомни,
 Ва ниҳоят ваҳий келди Инах — отамга:
 Маъбуд кескин гапирганди, байтул ватандан
 Мени қувиб чиқаришни талаб қилганди.
 Элдан-элга санқирмишман бир ўзим якка
 Ернинг ҳудуд — чеккасига қадар, бўлмаса—
 Шу ондаёқ золим Зевс чақини билан
 Бутун уруғ-аймоғни қириб ташлармиш!
 Локсия ҳам ихлос қўйди ғойибдан келган
 Пайгомларга. Отам мени қувғинди қилди.
 Бахтга қарши ўзининг гул — кишани-ла Зевс
 Ўз хоҳиши қондирай деб қистаб турарди.
 Иттифоқо, ақлим билан бурунги кўрким
 Хароб бўлди, Кўряписизки шохим бор менинг!
 Бу ҳам камдек юрадурмен шаталоқ отиб,
 Боз устига тинч қўймади раҳмсиз сўна
 То Керхнейнинг офатижон ирмоқларидан
 Сўлим Лерна чашмасига қадар бетўхтов.
 Қаҳҳор Аргос қўйчивони — Замин фарзанди
 Сон-савоқсиз кўзи билан мени ҳамиша
 Таъқиб этиб келар эди. Ва лекин мана
 Ўлим уни тасодифан нобуд айлади.
 Мен бўлсам-чи, дарбадарман элатма-элат.
 Телбаликнинг азобларин тортиб тобакай
 Дунё бўйлаб раббанонинг хоҳиши бирлан
 Борадирман сигирандом бир қиёфада...
 Ҳамма гапни сен эшитдинг. Энди башарти
 Лозим топсанг башорат қил бошқа нарсалар
 Тўғрисида. Аммо ёлғон сўзларинг билан
 Далда берма: билсанг агар ҳар нарсадан ҳам
 Менинг учун жиркапч эрур носамиямий нутқ.

ФРЕН

Х о р

Бас, етар!
Гапирма! Жим бўл, о!
Билмагандим эҳ, сенинг гаройиб ҳикоянг
Шу қадар гуссали эканин!
Билмагандим эҳ,
Бу дардни чекиб бўлмас, дош ҳам бериб бўлмагай,
Евузларча сенга қилинган шармсорлик
Қайта-қайта юрагимга
Ниш урар!
О, тақдир! О, тақдир
Кўриб сенинг ёзмишингни
Ҳамон эир қақшайман Ио...
Ҳамон...

Прометей

(Хорға)

Ҳали эрта йигламоққа, ваҳимага ҳам.
Қолган гаплар, шошма, ҳали бундан ҳам баттар.

Х о р

Йўқса гапир: дардкашларга фараҳли эрур
Гар билинса чекилажак дардлар олдинроқ.

Прометей

Бажо этдим энг биринчи ўтинчингизни,
 Унинг дарду ҳарсатини: ҳазин қиссасин
 Ўз огзидан эшитмоқчи бўлган эдингиз.
 Қолган дардлар хусусини эшита кўринг,
 Яъни Ио, Зевс ёри қаҳҳор Герадан
 Қай тариқа қийноқларга дучор бўлишин.
 Сен-чи, Ио, сўзларимни жо қил қалбингга,
 Билмоқ бўлсанг саргардонлик интиҳосини.
 Бундан ўтиб, ҳайдалмаган далалар бўйлаб
 Одимлайсан мағриб сари. У ерда сенга
 Йўлқади кўчманчи халқ — ваҳший скифлар.
 Улар бари чодирларда ўтказишар кун.
 (Чодир жилар гилдираклар ёрдами билан),
 Ёвни кўзлаб олислардан камон тутганлар
 Ўқ отишар. Сен уларга келмагин ёвуқ.
 Вале йўлинг тушаверсин канора бўйлаб,
 Ғарқоб бўлиб зорланади унда долгалар.
 Сўл тарафда халиб қавми тириклик қилур,
 Улардан қўрқ, темирчидир уларнинг бари,
 Тўпори халқ, билишмайди одам кутишини.
 Юра-юра сўнг келасан Араз наҳрига
 Беҳудага берилмаган ана шундай ном:
 Ўтиб бўлмас, у ердан сен сўқмоқ ахтарма:
 Ва ниҳоят барча тоғлар султони Кавказ
 Ўягиридан оқаётган улкан шоввага
 Кўзинг тушар, юксак чўққи ораларидан
 Ўтиб охир пешингача сапдирақлайсан,
 Токи эркак зотини хуш кўрмовчи қавм
 Яшайдиган қўшинларга дуч келгунингча.

Бу қўшинни ташкил этар отлиқ аёллар;
Масканлари — Фермодонта, Фемискирада.
Суяклардан уюм қурган қаҳқор Сальмидес
Кемаларга даҳшат солар денгизда туриб.
Улар сенга кўрсатишар эзгу йўл-йўриқ!

Алҳол, Киммер Истмасига бўласан равон.
Меотда бўғози ҳам учрайди сенга.
Сен бўғозни дадил кечиб ўтишинг даркор.
Мазкур кечув тўғрисида тарқалар миш-миш:
Бу жойни эл: Боспор дегай шарофатингдан.
Европанинг далаларин қолдириб ортда
Асийларнинг қитъасига етиб келасан...
Бор неъматни яратувчи холиқи аъзам
Оз бўлса-да, сизга разил туюлмайдими,
У нақадар муравватсиз, багритош маккор...
Бу шўрликни қайлиқ қилиш истаги учун
Унга шунча сарсонликни раво айлади!
О, шўрли қиз, нотенг никоҳ сенга равомас,
Догда қолди қайлиқ! Аммо эшитганларинг
Иқрор бўлки сен чекажак ғуссанинг боши!

И о

Оҳ, шўрим қурсин! Оҳ, шўрим қурсин!

Прометей

Шунга шунча оҳ-воҳ, шунча кўз ёши,
Не қиласан қолган гапни буткул эшитсанг.

Х о р

Яна қандай уқубатлар кутмоқда уни?

Пр о м е т е й

Гам-гуссалар тўфони кўп: бу ҳали қатра!

Н о

Нечув менга бу тириклик? Яхинси, улкан
Тог чўққиси тепасидан ўзимни ерга
Тахлаб, барча балолардан қутила қолай?
Кеча-кундуз азоб чекиб юргандан кўра
Биратўла кетган тузук ёруғ дунёдан.

Пр о м е т е й

Сен-ку, менинг дардларимга тоб беролмайсан!
Мен ҳеч қачон бўлмагайман ўлимга маҳкум:
Ўлсам эди, қутилардим бу балолардан.
Энди сира чегара йўқ азобларимга
То шоҳ Зевс салтанатин бой бермагунча.

Н о

Қачонлардир наҳот Зевс тахтдан йиқилур?!

Пр о м е т е й

Рост бўлганда стармиди бошинг фалакка?

И о

Бўлмасам-чи! Барча азоб Зевс туфайли!

Прометей

У ҳолда бил, дарҳақиқат, шундай бўлади.

И о

Тахту бахтни ким ҳам тортиб олади ундан?

Прометей

Ўзи... Ҳа, ҳа, уни йўлдан урар ҳамоқат.

И о

Қандай қилиб, сўйла менга хавфи бўлмаса.

Прометей

Афсус егай у маҳбубни никоҳга олгач.

И о

Маҳбуби ким, маъбудаи ё фоний? Жавоб бер?..

Прометей

Бу тўғрида гапиришнинг лузумоти йўқ.

И о

Уни тахтдан маҳрум қилар хотини, демак?

Прометей

Туғиб берар бир ўғилки, Зевсдан кучлироқ.

И о

Ўзгартира олмайдимки тақдирни у ҳам.

Прометей

Иўқ, агарда кишанлардан фориг бўлмасам.

И о

Ким ҳам сени халос айлар Зевсдан бўлак.

Прометей

У бўлиши даркор эрур сепинг пуштингдан.

И о

Нима дединг, ўғлим сени халос этурми?

Прометей

Зот бўйича у учинчи, ўқинчидан сўнг.

Но

Бу башорат менинг учун тамом қоронғу.

Прометей

Дарду гуссанг тўғрисида сўрама мендан.

Но

Айтаман, деб ўзинг ваъда қилган эдинг-ку!

Прометей

Айта олгум иккисидан бирини сенга.

Но

Нимаиди ҳаҳ? Таплаб олай, шошма! Жавоб бер!

Прометей

Нимани ҳам баён айлай, ким мени халос
Этишини гапирайми ёхуд дардингни?

Хор

Сен уни ҳам ва мени ҳам доғда қолдирма.

Дайдилиги нима билан тугашин айтиб,
Сўнгра бизнинг раъйимизни қондир, хусусан
Халоскоринг ким бўлишин башорат айла.

Прометей

Раъйингизни қайтармайман, нени билгингиз
Келган бўлса, ошкор этгум бирин қолдирмай.
Биринчидан Ио сенинг дарбадарлигинг
Хусусида гап боради, яхши зеҳн қўй.
Ўтгач, қитъа бўлиб турган наҳри азимдан
Йўлинг тушар ловиллаган оташ машриққа.
Шовқин солган гирдобни сен ортда қолдириб,
Кисфенанинг Горгонистон яланги, яъни
Форкиада қизлари — уч қиз оққушрўйга
Йўлиқасан. Улар эга бир кўз, бир тишга.
Уларни нā осмон шамси ва на тун моҳи
Эркалайди. Улардан сал берида яшар
Горгонларки, қаноти бор; уч опа-сингил,
Соч ўринда бошларида саноқсиз илон.
Фонийларнинг ҳар бири ҳам уларни кўрса
Нафасини ростламасдан тошга айланар.
Буни сенга гапирдим мен эҳтиёт учун!..
Ундан кейин бўладиган сивоат шундай:
Чекин, Зевс грифлари — бургут бошлардан.
Танҳо кўзли аримасплар лашкаридан ҳам.
Огоҳ бўлки, олтин мавжли Плутон наҳри
Соҳилида яшайди бир кўчманчи қавм.
Яқин келма уларга ҳеч. Кейин кўрасан
Олис-олис томонларда, Эфиоп наҳри
Еқасида яшайдиган қора халқларни.

У дийрнинг табиати ғоятда иссиқ,
Шунинг учун қуёш юрти, дейдилар уни
Сув ёқалаб шаршарага қадар изғийсан,
Қайсики, ҳув қадимги Нил, Библос тоғидан
Чаптак уриб тушган обизамзамнинг
Долғалари доғур... Ундан ўтиб борасан.
Учбурчакли холи пучмоқ кўринар сенга,
Мазкур ерда истиқомат қилишга маҳкум
Этилгансан фарзандларинг билан то абад.
Мана сенинг пешанангга ёзилганлари!
Агардаки сўзларимда учраса хато,
Тортинмасдан сўрайвергин: нимага десанг
Бекорчи вақт менда зиёд қаддан ташқари.

Х о р

Унинг беҳуд сарсонлиги ҳақида агар
Мумкин бўлса бизга тўлиқ фасона қилгил.
Охирига етган бўлса мабодо нутқинг
Башорат қил, ўша ваъда қилганларингни.

Пр о м е т е й

Ҳамма гапни беҳудага эшитмади у.
Билиб қўйиш чакки эмас, энди сўзимнинг
Чинлигини таъкидлашга изн берсангиз.
Шу чоққача неларга дош берганлигини
Айтиб берай... Воқеалар кўлами сероб.
Керагини жалб этаман диққатингизга.
Малос ери қадамгоҳинг бўлди қайсики,
Тоғли Додон яшайдиган ҳамда Зевснинг

Феспрот тахти мақом тутган хилват гўшалар.
 Ўша ерда эмацларнинг ажиб барглари
 Пичирлашиб сенга аниқ тушуптиришди,
 Ки, шавкатли Зевсга ёр бўлажагингни...
 Бу хотирот, ўйла, сенга таниш эмасми?
 Сенга асар қилгач, жунун васвасалари
 Соҳил бўйи қолиб четга равона бўлдинг,
 Алалхусус улкан Рен кёрфаз сари.
 У ердан сеп — чопа-чопа орқанга қайтдинг...
 Ушбу соҳил Ио номи билан аталгай.
 Келажакка хотир қолур сарсонлигингдан!
 Буни сенга меп башорат қилипман, бил.
 Мана сенга яққол далил, негаки ақлим
 Бируборга қараганда улканроқ эрур.
 Қолган гапни ҳам сизларга, ҳам унга айтай,
 Қайтиб яна сўзларимнинг тариқатига...
 Миср ери пучмогида, зангори Нилининг
 Қирғогида Каноб деган шаҳри азим бор.
 Ўша ерда Зевс сенга латиф қўлини
 Узатар-да, қайтиб берар собиқ ақлингги.
 Ойлар ўтиб сен тугасан қора Эпафни.
 Бу исм ҳам ажабтовур туғилишига
 Номдош бўлур. Нил суғорган улкан ерларни
 Уғлинг чопиб тез орада эклизор қилур...
 Шу таҳлитда ҳаёт кечирар, бешипчи авлод
 Давронида эллик нафар опа ва сингил
 Хеш-ақрабо жуфтлигидан; амакивачча
 Никоҳидан бахтга қарши қочиб кетгайлар,
 Сўнг уларга оро кирур Аргос пачоқи.
 Жим туришмай елишади куёвтуралар
 Кабутарлар орқасидан учган қирғийдек.

Никоҳ учун телбаларча куйдиришар жон,
Билишмасдан маҳв этишин уларни никоҳ.
Аммо бунга хайрихоҳлик билдирмас Зевс:
Ярим тунда сўйилади куёвтўралар,
Мурдаларга тўлиб кетар Пеласг диёри.
Келинчаклар қўл уради бу қора ишга;
Икки дамли қиличларин қонга ботириб.
Киприда ҳам худди шундай олсин қасосин
Евларимдан!.. Келинлардан ва лекин бири
Севгилисин кўзи қиймай ҳалок этмайди.
У ким билан баҳам кўрган бўлса ётогин
Ўша билан умр кўрар, Аргос улардан
Шонли шоҳлар зурриётин ола бошлайди.
Айтиб бўлмас икки оғиз сўз билан барин...
Ой кун ўтиб, бора-бора унинг пуштидан
Туғилади бир қаҳрамон камони билан.
Ўша мени азоблардан қутқарар фақат.
Шундай, дея, фол очганди онам Фемида —
Титанида... қай йўсинда зоҳир бўлиши
Тўғриеида гапираман, десам тонг отмас.
Ҳа, сенга ҳам бундан сира манфаат бўлмас.

И о

О! О! О!

Тутди яна васваса.

Телбаликнинг чўғдек нишлари

Ёндирмоқда мени оловсиз!

Дамодам ваҳимадан қалбим титрайди.

Сўнаётган зеҳнимга ларза солароқ.

Хира тортган кўзларимда бор нарса чарх урмоқда..

Васваса ҳам бошланди, яна кетгум улоқиб,
Тилим лол бўлди, сўзларим ҳам гарқ бўлди
Алаҳсираш гирдобларида.

По улоқиб кетади

3- СТАСИМ

Х о р

БАНД

Донишмандлар донишманди эди ул
Кўнглимизга
Ҳаққоний фикр нурин бахш этган.
Сўнгра баланд қироат билан
Таъкидлаганди:
«Ўзингга тенг кимса билан никоҳдан ўтсанг
Шундагина мурод ҳосил қилурсен! Бўлмас ортиғи!»
Зеб-зийнатин кўз-кўз айлаб,
Ўз зотидан кибрланган оқсуякларга
Кўнгли бермоқ
Ярашарми қашшоқ кишига?

АКСИЛБАНД

О, Мойралар! Уччалангиз
Пайқамай қоласиз Зевс мени ердан олиб

Етоғига ётқизганини!
Менга қайлиқ бўлгуси кимса
Фақат бир соат
Арши аълосида олиб ётади мени
Сени кўриб Ио, дағ-дағ титрайман,
Чунки олисларга
Югурасан тагин бокиралигиндан зориқиб,
Дучор бўлиб Геранинг азобларига.

ЭПОД

Тенгимга тушсам, илло, менга бало ҳам урмас!
О, биргина қудратли маъбудлар севгиси
Кўз илғамас кўзларни билан
Менга назар ташламаса бўлгани!
Курашсиз мағлуб, чорасиз тутқин бўлурман йўқса,
Қандоқ яшашни ҳам, не қилишни ҳам билмасдан?..
Қай йўсинда қочиб чиқа олардим
Эҳтиросли хоҳишларингдан Зевс?!

ХОТИМА





I- САҲНА

Прометей

Магрур Зевс тушиб қолар шаштидан ҳали,
Қўнгиллари ўзга ёрни тусаб қолган бўлса-да
Ўни аршдан маҳрум этар фақат хотини,
Дуонбад рўй беради ана ўшанда;
Қаргаганди Крон тахтдан йиқилган чоги...
Қандай қилиб балолардан чиқмоқ йўлини
Маъбудларнинг биронтаси айта олмайди.
Биргина мен бундан воқиф. Майли, ўтирсин
Кеккайиб у. Инонганча ўз чақмоғи-ю
Ва чор ёққа тоб берувчи ваҳшат, ўқига.
Унга таскин беролмагай чақмоқлар асло.
У юзтубан йиқилади тахтдан шарафсиз.
Шунга ўзи беихтиёр чоҳ қазимоқда,
Музаффар бир майдон талаб, чақмоқдан ўткир,
Фалакворий яшиндан тез югурадиган
Олов топиб, отланади Зевсга қарши,
У нест этар Посейдоннинг қаттол найзасин—
Сешоҳасия, кучли тўфон офатларини.
Бундан Зевс талвасага тушиб англайди
Шоҳ бўлмоқдан гадо бўлмак афзаллигини!

Хор

Зевсга шак келтиряпсан, яхши нафас қил!

Прометей

Бу-ку, менга боглиқ эмас, бўладиган гап!

Х о р

Наҳот Зевс тахтдан тушгач чиқар янги шоҳ?

П р о м е т е й

Бундан баттар азобларга йўлиқади у.

Х о р

Буни очиқ, тап тортмасдан гапиряпсан-а?

П р о м е т е й

Мен ўлимга маҳкуммасман. Недан тап тортай.

Х о р

Сенга бундан зўрроқ азоб йўллаш мумкин.

П р о м е т е й

Йўллай қолсин! Пешонамдан кўрамаи майли.

Х о р

Оқил эрур Адрестейнинг сабогин олган.

П р о м е т е й

Ҳукмдорга хушомад қил, ибодат айла,

Мепинг эса Зевс билан мутлоқ яшим йўқ.
Майлига у ўз билгича иш тутаверсин.
Сўнгги дафъа Олимп узра юритсин даврон,
Ўтмай қолур маъбудларга ҳукми ҳадемай.

Г е р м е с пайдо бўлади.

Ана, Зевс хабарчисин кўраётирман.
Янги тождор югурдаги: дарзоқе, шаксиэ
У янги бир мужда билан ташриф буюрган.

2- САҲНА

Г е р м е с

Эй, маъбудлар ўтрусида гуноҳкор, айёр,
Одамзодга ўт бахш этган оташ ўғриси!
Беҳад аччиқ сўзлашаман сен билан бугун
Отахоним хоҳиши шу: никоҳ ҳақида
Рўйрост гапир; салтанатни ким олур ундан,
Гапир, аммо сўзларингда бўлмасия хато.
Яна бир бор мажбур қилма келишга мени.
Бунақанги саркашликдан наф не Прометей?
Кўраяпсан, Зевс дилин юмшатиш мушкул.

П р о м е т е й

Маъбудларнинг югурдаги иршод этган нутқ
Қаранг, қандай баландпарвоз, магрур жаранглар!
Ўйлайсизки, тахтга чиққан ҳар Янги тождор

Уа зулми-ла бир умрга сафо қилгай, деб?
Наҳотки мен кўрмаганман Олимп тахтидан
Қулаб тушган ўша икки мустабидни ҳам.
Кўрарман ҳам учинчисин, яқин орада
У ҳам тахтдан йиқилади шармисор бўлиб.
Ё сенингча янги маъбуд рўпарасида
Қўрқяпманми? Янглишасан асло қўрқмайман!
Сен-чи, шошил қайтмоқликка, қайси йўл билан
Келган бўлсанг ўшандоқ кет. Жавоб олмайсан!

Г е р м е с

Хар қалай шу саркашлигининг учун ўзингга
Гам-гуссаю бадбахтликни орттирган эдинг.

П р о м е т е й

Амин бўлки, уқубату гуссаларимни
Югурдаклик хизматига алишмас эдим.

Г е р м е с

{ Ҳукмдорга содиқ чопар бўлгандан кўра
Қояларнинг қули бўлиш афзал экан-да.

П р о м е т е й

Завқли эрур ситамгарни мулзам айламак.

Г е р м е с

Эҳтимол, сен гам ичра ҳам сафо қилурсан?

Прометей

Сафоми шу? Худди шундай завқу сафони
Евларимга, шу жумладан сенга тилайман.

Гермес

Мени ҳам сен айбли дерсан бахтсизлигингга?

Прометей

Маъбудларнинг ҳаммасини ёмон кўраман:
Яхшилигим эвазига бердилар азоб.

Гермес

Кўраяпман, жувун сени бемор айламиш.

Прометей

Душманлардан нафратланиш иллат эмасдир.

Гермес

Менсимасднинг ҳеч кимни сен бахтинг очилса!

Прометей

Ҳайҳот!

Г е р м е с

Бундай сўзни билмайди Зевс.

П р о м е т е й

Вақт ўргатар ҳаммасини унга ҳам бир кун.

Г е р м е с

Ўрганмабсан ақллироқ бўлишни ҳануз.

П р о м е т е й

У ҳолда мен гаплашмасдим югурдак билан.

Г е р м е с

Айтмайсанми Зевс сўраган сир-сипоатни?

П р о м е т е й

Бўлмасам-чи! У-ку ахир валинеъматим.

Г е р м е с

Мазаҳ қилма, Мен сен айтган ёш боламасман!

П р о м е т е й

Ақлинг калта экан ҳатто ёш боладан ҳам,

Очади деб ўйлайсанми сир-сипоатни.
То шармисор кишанларни даф қилмагунча
На айёрлик ва на қатл сир-сипоатни
Илол-абад очмоқликка мажбур этолмас.
Майли менга оташафшон ўқларин отсин,
Гулдиратсин замин ости гулдиракларин,
Оқ қанотли тўфонларга самони чулғаб
Бор нарсани нобуд қилсин таг-туғи билан:
Ушавда ҳам айтмагайман ҳокимияти
Ким туфайли қўлдан чиқиб кетаганини.

Г е р м е с

Ўйлаб кўрини, ёрдам бермас сенга қайсарлик.

П р о м е т е й

Бу ҳаммаси мен томондан ҳал бўлган олдин.

Г е р м е с

Эс-ҳушингни йигиб олгин, телбалик қилма,
Қайсарлигинг ўз бошингга келтирар бало!

П р о м е т е й

Гап-сўз билан жонни безор қилмагин бекор,
Худди денгиз долгасидек асовман, қарман.
Ўйламаки, қўрққанидан Зевс олдида
Оҳу фарёд солади деб хотинчалишдек.
Хотиржам бўл, ёлвормайман, шафқат кутмайман,

Келиб-келиб ёмон кўрган маъбудим Зевс
Бандиликдан мени халос этса, ўлганим!

Г е р м е с

Мен, эҳтимол, шунча гапни бекор гапирдим:
Бундай қалбга қор қилмайди илтижолар ҳам,
Асов тойдек иргишлайди, ҳеч тек турмайди.
Оёқ тираб олишади тизгини билан,
Аммо сенинг уринишинг ҳуда-беҳуда:
Такаббурлик нишонадир ақлсизликдан.
Очигини холисанно айтиб қўяйин;
Мабодо сен сўзларимга қулоқ осмасанг,
Шундай бало — офатларга йўлиқасанки,
Бу кунинг ҳам ҳолва бўлиб қолади ҳали,
Авваламбор ўз аршидан надари бузрук
Чақмогини йўналтирар, бузар қоянгни.
Тоғу тошлар вужудингни кўмиб ташлайди.
Қайтадан сен чиққунингча ёруг дунёга.
Утиб кетар қанча-қанча даври давронлар.
Зевс эса сенга йўллаб қанотли ити —
Қонсираган бургутини, азоб берадир
Шалвираган баданингни минг пора айлаб.
Кўксинг узра кутилмаган меҳмон ҳар куни
Жигарингни тортқилайди: юлқиб чўқийди.
Сен бўлсанг-чи, азобингга интиҳо кутма.
Боз устнга кирмоқ учун жонингга оро
Бир халоскор маъбуд пайдо бўлганича йўқ.
Сенинг учун истамас ҳам Тартар қаърига
Ёки Аид зулматига киришни асло.
Шунинг учун эсингни йиг, эсинг борида!

Ҳазили йўқ, ҳукм эса гоятда қатъий!
Зевс билан ўйнашмагин ўйлаб кўр пича,
У нимани деган бўлса қилмасдан қўймас,
Ўтакетган қайсарлигинг туфайли тагин
Ўз бошингга ёғдирмагин талай касофат!

Х о р

Бўладиган гапни айтди бизнингча Гермес.
Қайсарликни ташла деган талаби тўғри.
Чора излаш керак ахир чорасизликка.
Қулоқ осгин! Қайсарлик не хатарли чоғда,
Оқил учун бу ярамас қилиқ, уят-ку.

Прометей

Ҳозирда у менга ифшо қилган хабарин
Олдинданоқ билар эдим. Уят эмас ҳеч
Душманидан душман агар тонса уқубат.
Майли само оловлари ўз тиғи билан
Устихоним жабрласин, афгор айласин.
Майли момақалди роқ ҳам бўрон аралаш
Еру кўкка зарба берсин, этсин зер-забар.
Жумла баҳр тўлқинларин зангор фалакнинг
Юлдузи-ла бирваракай қориб ташласин.
Тиним билмас суронларда менинг лошимни
Майли Тартар зулматига иргита қолсин:
Лекин мудҳиш тақдиримнинг гирдобиди ҳам
Мени асло маҳв этолмас қудратли Зевс!

Г е р м е с

Бундай қарор, бундай телба-тескари сўзлар
Фақат дали девонадан келади. Энди
Нима билан фарқ қилади ақлсиздан у.
Керилиши — ўз ҳаддини билмасликданми?
Бўлди, сизлар дардларига дардкаш бўлмангиз.
Қани тезроқ жўнаб қолинг қоядан нари:
Йўқса сизнинг эс-ҳушингиз мангу даф бўлар
Қалдироқнинг газабкарда гулдирашида.

Х о р

Бошқа панду насиҳатинг бўлса, ўшани
Эшитайин. Аммо сенинг бу ўғитларинг
Чндаб бўлмас даражада норасо эрур.
Наҳот мени турткилайсан разиллик сари?
Мен у билан бирга нобуд бўлмоққа шайман!
Ҳамиша мен хойнлардан ҳазар қилганман!
Бу иллат
Барча иллатлардан жирканчли менга!

Г е р м е с

Ундай бўлса ёдда тутинг, олдиндан айтиб,
Огоҳ этдим ҳаммасини. Қўлга тушсангиз
Тагин манглай шўрингиздан шиквалар қилманг.
Ҳам Зевсдан полимангиз ногоҳ балога
Дуч қилди, деб.
Чоҳ қазиган ўзингизга-ўзингиз, эмас!
Била туриб ҳаммасини олдиндан, ахир

Ошкора фитна ила тушасиз бирдан
Чораси йўқ балоларнинг чалкаш тўрига.
Ўраб-чирмаб ташлагандир сизни ҳамоқат.

Гермес кўздан йўқолади.

Прометей

Ҳалитданоқ сўзда эмас, амалда замин
Силкинди-ю,
Иш бошлади момақалдироқ.
Ҳам оташинок чақмоқларнинг илон изи-ю,
Ҳам чарх урган қуюнларнинг тарқоқ тўзонин
Ғазабкарда рақс билан учириб шамол
Уриштирар, сўқиштирар бир-бирларини.
Ҳам таптана қилаётир асов ғалаён,
Қоришмоқда еру осмон бир-бири билан.
Ушбу даҳшат бўронини даргазаб Зевс
Қўрқитмоқлик илинжида менга юборди!
Эй, сен само! Эй муқаддас онаизорим,
Ўз нурини ҳар томонга сочгувчим, қара,
Қандоғам мен дард чекапман бекордан-бекор!

*(Момақалдироқ зарби ва чақмоқ чақини остида
Прометей қоя билан бирга ер тубига қулайди).*

ИЗОҲЛАР

Ваҳший скиф — қадимги юнонликлар Қора денгизнинг шимоли-шарқий томонларида яшовчи қабилани ваҳший скифлар, деб атаганлар.

Гефест — оташ маъбуди, темирчи. Зевс ва Геранинг фарзанди. Ҳунар ва санъат ҳомийси. Шунинг учун ҳам у Прометейга ҳамдардлик билдиради, продасига қарши Зевс буйруғини бажаради.

Ота — Зевс. Олимп ҳукмдори.

Олов Гефестга алоқадор, шунинг учун «Сенинг порлоқ чечагинги», дейилмоқда.

Гефестнинг Прометейни қадрдон, деб аташига боис шуки, Прометей Уран-Самонинг набираси, Гефест эса чеварасидир.

Фемида — адолат маъбудаси. Эсхил асарида у Гей Заминга тенглаштирилади ва Прометейнинг онаси сифатида келади.

Зевс янги ҳукмдор, деб аталади, бинобарин у қадим ҳукмдорлар — Титанлар устидан ғалаба қозонган.

Прометей номини қадимгилар келажакдан башоратчи, авлиё сифатида талқин этишган.

Аршиаъло — Зевс макони.

Ерона, дейилган, чунки у барча маъбудларни ва одамларни, бутун мавжудотни яратган.

«Қоқ қамишини ковагига жойладим мен...» — Ривоятга кўра Прометей оловни қамиш ичига яширган.

Океан баҳри муҳитдир. Тефя — Океаннинг хотини. Хор Океан ва Тефянинг қизлари — Океанидалардан ташкил топган, Тефя серфарзанд бўлган.

Тартар — Ер қъри, жаҳаннам маъбуди. Прометейнинг туғишганлари бўлмиш баъзи Титанларни Зевс жаҳаннамга ташлаттирган.

Уранпасли — Само титанлари.

Воқийлар — ҳаёти абадий маъбудлар.

Крон — Титан, Ер ва Само фарзанди. Зевснинг отаси.

Қариндошлик — Океан, Ер ва Само фарзанди, энг қадимги титанлардан, Прометейнинг тоғаси.

«Темир — маъдан иқлими...» — Скиф мамлакати қадимда шундай аталган. Афсонавий қавмлардан бири бўлмиш Халиблар темирчилик билан машғул бўлганлар.

Прометей Океани «жонкуяри», дейди, бинобарин Титанлар билан Олимпликлар ўртасида кураш авж олган бир пайтда улар икковлон Зевс томонида бўлган.

Атлант қисмати — Прометейнинг оғаси. Зевснинг хоҳиши билан ернинг бир чеккасига, яъни магъриб томонида осмон гумбазини елкасида кўтариб туришга маҳкум этилган.

Тифон — юз бошли махлуқ. Гей-Замин ва Тартар фарзанди. У жаҳонгирлик даъво қилиб, Зевс билан курашган, лекин мағлубиятга учраб Тартар қаърига ҳалоқтирилган. Эсхил асарида бу жиҳат Зевс Сицилия тоғи — Этнани Тифон устига бостириб қўйилганлиги билан ажралиб туради.

Килик ғори — Киликия Кичик Осиёдаги вилоят.

Горгона-Медуза — Уч опа-сингил ғаройибот Горгонларнинг бири; сочлари илонга ўхшаган, унинг шогоҳи тушган одам тошга айланган.

Торбўғоз — Италия ва Сицилия ўртасидаги бўғоз.

«Ултирганча тоблар Гефест ўз темирини...» — ривоятларга кўра Этна тоғи устида Гефестнинг устахонаси бўлган.

Амазонкалар — қуроолланган сувори аёллар.

Меотид — ҳозирги Азов деңизи.

«Орий ранг эронийлар...» — қадимги Эрон қавми. Уларни орий рангли кишилар, деб аташган, бинобарин, табиатан урушқоқ бўлишган.

Хотирот — Мнемосина, илҳом онаси.

«Фолбинликнинг йўллари...» — фол очиш усуллари.

Уч Мойра — уч опа-сингил, қисмат маъбудалари, Эсхил асарларида улар Зеведан юқори турадилар.

Эринилар — қасос маъбудлари. Одамларнинг барча қилмишлари уларнинг ёдида турган.

«Вуни билла олмагайса...» — Прометей сақлаётган сир Зевс салтанатининг ҳалокати билан алоқадор. Шунинг учун Зевс ундан ҳадиксирайди.

Гесиона — Океан қизи, ривоятларга кўра Прометейнинг хотини.

«Сандирақлай-сандирақлай...» — Зевс Иони севиб қолади. Зевснинг хотини Гера бундан огоҳ топиб, Иони сигир қиёфасига киритиб қўяди ва таъқиб этиб юриш учун беадат кўзли Аргусни унга пойлоқчи қилади. Зевснинг хоҳиши билан Аргусни Гермес ўлдиреди. Ривоятга кўра Аргус ўлиmidан кейин сўнага айланади ва Иога улуксиз азоб бериб, юртма-юрт қувиб юради.

«Қулогимга чалинар қамиш найсаси...» — Гермес Аргусни сеҳрли най садоси билан ухлатиб сўнгра ўлдиреди.

«Шохи бор қиз...» — Ио сигир қиёфасида бўлса ҳам ақл-идроки сақланган.

Инах — Ионинг отаси. Инах дарёсининг маъбуди. Океан ўғли ва Океанидаларнинг отаси.

«Дабабали Лерна ўтлоғи...» — Лерна кўли яқинидаги ўтлоқ.

«Дельфа ҳам Додона...» — Дельфа шаҳрида Аполлон коҳини, Додона шаҳрида эса Зевс коҳини яшарди. Локсия — Аполлоннинг лақабларидан бири.

«Керхнейнинг офатижон ирмоқлари...» — Аргос шаҳри яқинидаги чашма.

Халибқавми — ёввойи қавм. Қора денгизнинг шарқий қирғоғида яшаган бу қавм темир-маъдан ишлаб чиқаришда шухрат қозонган.

Аразнаҳри — қадимгилар Араксни «Араз наҳри» деб аташган.

Фермодонт — наҳр, Қора денгизга қуйилади. Фемискира амазонкаларнинг пойтахти бўлган.

Сальмидес — Қора денгиз қирғоғининг Фракия Босфоригача бўлган қисми Сальмидес, деб аталган. Кейинчалик бу ном шаҳарга берилган. Эсхил бу шаҳарни Фермодонт деб саҳв қилган.

Киммерия Истмаси — Керчь ярим ороли.

Боспор — «сигир йўли» деган маънони билдиради.

Ассиёлар — осийликлар.

«Афсус егай у маҳбубни никоқга олгач...» — агар Зевс маъбуда Фетидага уйланса, ўз ўгли то-

монидан ҳалокатга учрайди. Бундан бохабар бўлган Зевс ўз қисматидан қўрқиб Фетидани фоний қаҳрамон Пелеяга беради.

Наҳри азим — Эсхил асарида Европа Осиёдан Меотида бўғози билан ажралиб туради, яъни Керч билан.

Кисфена — шарқдаги афсонавий шаҳар.

Форкиада қизлари — Грайлар, денгиз маъбудлари, Форкиа ва Кето қизлари.

Зевс грифлари — гавдаси шер тақлид қанотли, бургутбош махлуқлар. Қадимгилар грифларни олтинларнинг посбонлари деб билишган. Эсхил асарида грифлар Зевснинг кўппаклари сифатида тасвирланган.

Аримасплар — чекка шимолий-шарқда Рипсй (Урал) тоғ этакларида яшаган. Ривоятларга қараганда улар грифлар билан олтин талашиб жанг қилган. Эсхилда улар жанубий-шарқда яшовчи халқ, деб олинган.

Плутон наҳри — афсоналарга кўра Эфиопиядаги олтин дарё.

Эфиоп наҳри — эҳтимол, Нилнинг юқори қисмидир.

Библостоғи — шарқий Африкадаги тоғ.

Учбурчакли холи пучмоқ... — Нил дельтаси. Бу атама учбурчак шаклидаги юнон дельта ҳарфига монанд қилиб олинган.

Малосери — шимолий Грецияга жойлашган.

Эманларнинг ажиб барглари... — Додон коҳинлари Зевс хоҳишини япроқлар пичиридан, кабутарлар гув-гувидан билиб олганлар.

Рейкўрфази — Ио баҳри.

Опаф — яъни «тегиб кетиш туфайли тугилган», Ио фарзанди.

Эллик нафар опа васингил... — бунда Прометей эллик нафар Дианидалар ҳақида ҳикоя қилади. Шоҳ Данай қизлари, Ио авлоди. Данаидалар амакиваччалари — Эгиптнинг эллик нафар ўғли таъқибидан Аргос сари қочадилар. Кейинчалик Данаидалар ўз эрларини ўлдирадилар. Фақат Гипермнестра қайлиғи Линкейни муҳаббати туфайли омон қолдиради. Улардан Аргос шоҳ авлоди дунёга келади.

Пеласгидиёри — ривоятларга кўра биринчи бор Аргосни Пеласг кашф этган.

К и п р и д а ё ж у д А ф р о д и т а — муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси. Кипр оролида туғилган. У Гипермнестрада Линкейга нисбатан меҳр уйғотган.

«К е л и н л а р д а н в а л е к и н б и р и...!» — Гипермнестрада.

«Ш о н л и ш о х л а р з у р р и ё т и н...» — Линкей ва Гипермнестрададан Персей ва Геракл дунёга келади.

«У з и н г г а т е н г к и м с а б и л а н н и к о ҳ д а н ў т с а н г...» — Хор тенг никоҳни улуғлайди. Нотенг никоҳ Зевс севиб қолган фоний қиз Ио тақдири каби бахтсизлик келтиради. Оддий одам маъбудлардан нарироқ юриши керак.

«П о с е й д о н н и н г қ а т т о л н а й з а с и...» — Посейдон — Зевснинг оғаси, денгиз маъбуди, ерни жунбушга келтирувчидир. Унинг салтанат рамзи сешоҳа.

«М е н ў л и м г а м а ҳ к у м м а с м а н...» — Прометей бошқа маъбудлар каби умрбод яшайди.

А д р а с т е я ё к и Н е м е з и д а — ҳар бир одамнинг тақдирини белгиловчи, такаббурлик қилганларнинг гуноҳига яраша жазо берувчи, бахтсизларга мурувват кўрсатувчи маъбуда.

«А н а, З е в с х а б а р ч и с и н к ў р а ё т и р м а н...» — Зевс Прометейдан сир олиш мақсадида Гермесни юборади.

«У ш а и к к и м у с т а б и д н и...» — Уран ва Крон.

Прометей қояларнинг қули, деб калака қилинади, чунки у қояга занжирбанд этилган.

«Б и р ҳ а л о с к о р м аъ б у д...» — яъни, боқийликдан кечиб, Прометейга озодлик берувчи. У Прометейнинг дўсти, кентавр Хирондир. Хирон Геракл ўқидан жароҳатланиб, жон аччиғида боқийликдан воз кечади.

¹ П а р о д — муқаддима.

² С т а с и м — хор билан айтиладиган қўшиқ.

³ Э п о д — хор қўшиқлари банд, аксилбанд ва эпод каби қисмларга бўлинади.

⁴ М о н о д и я — бир киши томонидан айтиладиган қўшиқ.

⁵ Ф р е н — йиғи.

На узбекском языке

ЭСХИЛ

Прикованный Прометей

(Перевод с издания издательства «Детская Литература»,
Москва 1956 год.)

Редактор *Ш. Раҳмон*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Е. Потапова*
Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 352

Босмахонага берилди 06. 04. 78 йил. Босишга рухсат этилди 12.12.78 йил.
Формати 70×84^{1/8}, Босма л. 3,0 Шартли босма л.3,27 Напр л. 2,93 Тиражи
10000 Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат пажирети. Тошкент,
Навоний кўчаси, 30. Шартнома № 215—77

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитети Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқарини бирлашмасининг
1-босмахонасида 1-қоғозга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1978 йил.
Заказ 458. Баҳоси 30 т. Мелованиний қоғозда баҳоси 1с. 10 т.

Эсхил.

Занжирбанд Прометей

(А. Қосимов таржимаси.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1978—96 б.

«Занжирбанд Прометей» эрамиздан аввалги 525—456 йилларда яшаб ўтган Эсхилнинг ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган гениал асаридир. Асар қаҳрамони Прометей инсоният тараққиёти, бахти учун мустабил ҳукмдор Зевсга қарши узоқ -қураш олиб боради.

Эсхил. Прикованный Прометей.

Э 70404 - 219 108—78
352(06)—78